



ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ ҚОИДАЛАРИ ТАҲЛИЛ

Турдиев Лазиз Зарифович

ИИВ Академияси Жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси
дотценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20525284>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2026

Accepted: 21st May 2026

Published: 30th May 2026

KEYWORDS

ABSTRACT

Жиноят процессида далилларни тўплаш жиноят ишини ҳал этишда асосий рол ўйнайдиган процессуал фаолиятдир. Ҳорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, далилларни тўплаш тартиби миллий ҳуқуқий тизим, суд анъаналари ва халқаро стандартларга боғлиқ равишда турличача шаклланади ва бир биридан жиддий фарқ қилади.

Хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигидаги далилларни тўплаш қоидалари таҳлил

Жиноят процессида далилларни тўплаш жиноят ишини ҳал этишда асосий рол ўйнайдиган процессуал фаолиятдир. Ҳорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, далилларни тўплаш тартиби миллий ҳуқуқий тизим, суд анъаналари ва халқаро стандартларга боғлиқ равишда турличача шаклланади ва бир биридан жиддий фарқ қилади.

Мазкур тезисда АҚШ, Германия, Франция, Арманистон, Беларусь, Туркменистон, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Эстония, Озарбайжон, Япония ва Россия жиноят процессуал қонунчилиги мисолида далилларни тўплашнинг процессуал тартиби таҳлил қилинади. Ҳар бир давлатнинг ўзига хос ёндашуви, далиллар тушунчаси, далил тўплаш субъектлари ва жиноят процессуал тартиб тизими кўриб чиқилади.

Далилларни тўплаш тушунчаси ва тартибини хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигидаги қоидаларини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидагиларни кузатиш мумкин:

АҚШ жиноят процессида айблов тизими амал қилади. Бунда далилларни тўплаш ваколати асосан тарафларга айблов ва ҳимояга тегишли. Прокурор ва уни ёрдамчилари полиция идоралари билан биргаликда жиноят юзасидан далилларини тўплашади. Ҳимоя тарафи ҳам мустақил равишда далил тўплашга ҳақли бўлиб, бу ҳолат жараённинг рақобатбардошлик характерини таъминлайди

Германия жиноят процесси суриштирув тизимига асосланган бўлиб, далилларни тўплашда давлат органлари марказий ўрин тутаяди. Германия жиноят-процессуал кодекси далилларни тўплаш тартибини тафсилан белгилайди. Прокурор жиноят ишларини тергов қилиш ва далилларни тўплашда асосий субъект ҳисобланади. У

тергов ҳаракатларини мустақил амалга ошириши ёки федерал полиция хизматлари ёрдамидан фойдаланиши мумкин.

Франция жиноят процессида икки босқичли тизим мавжуд: дастлабки тергов ва асосий суд жараёни. Биринчи босқичда инструктор-судья далилларни тўплашни амалга оширади. Бу мансабдор шахс суд ҳокимияти вакили сифатида ҳам айблов, ҳам ҳимоя фойдасидаги далилларни тўплашга мажбурдир бу принцип холислик талабини ифодалайди.

Франция жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, инструктор-судья тинтув ўтказиш, гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш, ишда иштирок этаётган шахсларнинг алоқаларини назорат қилиш ваколатига эга. Шу билан бирга, 2000 йилдан буён жорий этилган институти маҳкамланиш ва айрим тергов ҳаракатларига санкция беришда алоҳида судьяга ваколат берди.

Арманистон ЖПКнинг XVI боби (исбот қилиш) 125-моддасида далилларни тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланиши тартибга солинмаган ва далилларни тўплаш ваколатига эга бўлган субъектлар, шунингдек ҳимоячининг ҳам далил тўплаш ваколати белгиланмаган (Арманистон ЖПК 73-м.).

Беларусь ЖПКнинг далилларни тўплаш деб номланган 103-моддасида эса далилларнинг тезкор-қидирув тадбирлари натижалари бўйича тўпланиши мумкинлиги алоҳида кўрсатилмаган, аммо «тезкор иш юритиш» ва жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни текшириш жараёнида ҳам тўпланиши белгиланган. Беларусь ЖПКда далилларни тўплаш воситалари сифатида кўрсатилган тергов ҳаракатларининг рўйхати 8 та бўлиб, бизнинг ЖПК

87-моддасида ушбу рўйхат 16 тани ташкил этади. Беларусь ЖПКда (103-м., 3-қ.) далилларни тўплаш жараёнида ҳимоячининг ўзи ҳимояси остидаги шахс манфаатлари учун ахборотни олишда шахсларга ноқонуний таъсир кўрсатишга ҳақли эмаслиги белгиланган. Ушбу ҳолатни албатта ижобий тажриба ва исбот қилишнинг умумий шартларида бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя этилишининг устуворлиги сифатида баҳолаш мумкин. Бундан ташқари, Беларусь ЖПКда далиллар давлат айбловчиси, хусусий айбловчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, вакил, шунингдек ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс томонидан тақдим қилиниши мумкинлиги далилларни тўплашни тартибга солувчи нормада белгиланган.

Туркманистон ЖПКнинг далилларни тўплаш деб номланган 133-моддасида бизнинг ЖПКдаги нормалардан фарқли равишда далилларни тўплаш воситалари нималардан иборат эканлигини белгиланмаганлигини кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, ушбу давлат ЖПКда далилларнинг тезкор-қидирув тадбирлари натижалари бўйича тўпланиши мумкинлиги тартибга солинмаган ва бизнинг ЖПКдан фарқли равишда далилларни тўплашга бағишланган нормада далилларни текшириш масаласи ҳам тартибга солинган бўлиб, айнан далилларни тўплаш деб номланган 133-модданинг ўзида далилларни синчковлик билан, ҳар томонлама ва холисона текширилиши ва текширишни амалга оширувчи субъектлар белгилаб берилган.

Украина ЖПКнинг далилларни тўплаш деб номланган 93-моддасидаги процессуал қоидаларни қиёсий ўрганиш орқали қуйидаги фарқли жиҳатларни кузатиш мумкин:

1) далилларни тўплаш ваколатига жиноят ишини юритувчи субъектлардан ташқари жабрланувчи, юридик шахснинг вакили ҳам эга эканлиги қайд этилган;

2) далиллар тергов (қидирув) ҳаракатларини ва ноошкора тергов (қидирув)

ҳаракатларини бажариш орқали тўпланиши мумкинлиги белгиланган;

3) жиноят ишларини юритиш мобайнида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш натижасида хорижий давлат ҳудудидан ҳам далиллар олиниши мумкинлиги қайд этилган.

Қирғизистон ЖПКнинг далилларни тўплаш деб номланган

93-моддасидаги қоидаларда қуйидаги ўзига хосликни кузатиш мумкин:

1) далилларни тўплаш фақат процессуал ҳаракатларни ўтказиш йўли билан амалга оширилиши белгиланган;

2) ҳимояланувчи томон, жабрланувчи, жабрланувчининг вакилларига шартнома асосида суд экспертизасини ўтказиш, шартнома асосида мутахассисни жалб қилиш, ишга алоқадор маълумотларга эга бўлган шахсларни ўзларининг розилиги билан сўровдан ўтказиш, алоқадор ва мақбул далилларни судга тақдим этиш шарти билан тўплаш каби ваколатлар берилган.

Қозоғистон ЖПКнинг далилларни тўплаш деб номланган

122-моддасида қуйидаги фарқли жиҳатларни кузатиш мумкин:

1) далилларни тўплашнинг алоҳида босқичлари сифатида уларни аниқлаш ва процессуал мустаҳкамлаш кўрсатилган;

2) суд ўз ташаббуси билан далил тўплашга ҳақли эмаслиги қатъий белгиланган;

3) ҳимоячи, жабрланувчининг вакили юридик шахслардан, шу жумладан давлат органлари ва жамоат бирлашмаларидан маълумотнома, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни талаб қилганларида, сўралган ҳужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган нусхаларини ҳимоячи, жабрланувчининг вакилига 10 сутка ичида топширишлари шартлиги белгиланган;

4) ҳимоячи, жабрланувчининг вакилига шартнома асосида суд экспертизаларини ўтказиш, иш бўйича шартнома асосида зарур билимга эга мутахассисни жалб қилиш, жиноят ишига алоқадор маълумотларга эга бўлган шахсларни ўзларининг розилиги билан махсус техник воситаларни қўллаган ҳолда сўровдан ўтказиш каби ҳуқуқлар берилган;

5) қамоққа олиш тарзида эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқаётганда ҳимоячи томонидан сўралаётган маълумотнома, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар йигирма тўрт соат ичида унга тақдим этилиши шартлиги белгиланган;

6) ҳимоячи ва жабрланувчи вакилининг улар томонидан тўпланган маълумотларни электрон тарзда топшириши мумкинлиги белгиланган;

7) далилларни тўплашга оид процессуал мажбуриятларни бажарилмаслиги бўйича жавобгарлик ушбу норманинг ўзида белгиланган.

Молдова ЖПКнинг далилларни тўплаш деб номланган 100-моддасида қуйидаги фарқли жиҳатларни кузатиш мумкин:

1) далилларни тўплаш ваколатига эга бўлган субъектлар сифатида жинойий таъқибни амалга оширувчи орган ва суд кўрсатилган;

2) ҳимоячининг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳимояси остидаги шахснинг розилиги билан, махсус билим талаб қиладиган масалаларни аниқлаштириш учун мутахассиснинг фикрини сўраши мумкинлиги белгиланган;

3) далилни текширишга алоҳида норма ажратилмасдан, далилларни тўплаш деб номланган 100-модданинг тўртинчи қисмида далилларни текшириш масалалари тартибга солинган.

Россия ЖПКнинг далилларни тўплаш деб номланган 86-моддасида ҳимоячи шахсларни уларнинг розилиги билан сўровдан ўтказиши белгиланган. Бизнинг ЖПК (87-м., 2-қ.)да эса ҳимоячи шахслардан ёзма тушунтириш олиши учун уларнинг розилиги талаб этилади.

Яъни, бизнинг ЖПКда ҳимоячи ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиши учун уларнинг розилигини олиш ёки олмаслиги масаласи алоҳида тартибга солинмаган.

Тожикистон ЖПКнинг далилларни тўплаш деб номланган 86-моддасида далилларни тўплаш ваколатига эга бўлган субъектлар сифатида судья алоҳида кўрсатилган ва бизнинг ЖПКнинг 86-моддасида эса далилларни тўловчи субъектлар қаторида судья назарда тутилмаган.

Эстония Республикаси ЖПКнинг далилларни тўплаш деб номланган 64-моддасида қуйидаги фарқли жиҳатларни кузатиш мумкин:

1) далиллар тўплаш уларни йиғиш жараёнида қатнашаётган шахснинг шаъни ва кадр-қимматига тажовуз қилмаслик, унинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид солмаслик ва асосиз мулкӣ зарар етказмаслик шарт тартибга солинган;

2) далилларни тўплашда тергов ва прокуратура органи мустақил экспертларни жалб қилиши мумкинлиги белгиланган;

3) далилларни тезкор-қидирув фаолияти йўли билан тўплашнинг умумий шартлари алоҳида нормалар (Эстония ЖПК 110-112-м.)да тартибга солинган.

Озарбайжон ЖПКнинг далилларни тўплаш деб номланган 143-моддасидаги процессуал қоидаларни бизнинг ЖПКга қиёслаш орқали қуйидаги фарқли жиҳатларни кузатиш мумкин:

1) далилларни тўплаш воситалари сифатида кўрсатилган тергов ҳаракатларининг рўйхати 7 та;

2) ҳимоячининг далилларни тақдим қилиш бўйича ваколати баён этилган бўлсада, унинг далилларни тўплаш бўйича ваколати аниқлаштирилмаган.

Хитой ЖПКда далилларни тўплашга алоҳида модда ажратилмаган ҳамда унинг тушунчаси нимадан иборат эканлиги белгиланмаган бўлсада, бироқ унинг 50-моддасида терговчи, прокурор ва судьянинг далилларни фақат қонуний йўллар билан тўплаши лозимлиги, 52-моддасида халқ судлари, прокурорлар ва жамоат хавфсизлиги органлари далилларни тўплаш мақсадида тегишли бўлинмалар ва шахсларни йиғиш ҳуқуқига эга эканлиги, маъмурий ҳуқуқни қўллаш жараёнида тўпланган ижро ҳужжатлари яъни далилий ҳужжатлар, ҳужжатли далиллар, аудиовизуал материаллар, электрон маълумот ва бошқалардан жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида далил сифатида фойдаланиш мумкин эканлиги, шунингдек далилларни тўплашда давлат сирлари ва шахсий сирни сақлашга оид процессуал қоидалар ўрин олганлиги, шунингдек 54-моддасида далиллар қонунга ҳилоф усуллар билан тўпланган тақдирда суд экспертизаларини тайинлаш лозимлиги билан боғлиқ қоидалар белгиланганлигини кўриш мумкин.

Япония Жиноят-процессуал қонунида далилларни тўплашга алоҳида модда

ажратилмаган ҳамда унинг тушунчаси нимадан иборат эканлиги белгиланмаган бўлсада, бироқ унинг 371-моддасида исботлаш тўпланган далиллар асосидагина амалга ошириши, 119-моддасида мажбурлаш, қийноққа солиш ёки қўрқитиш натижасида юзага келган конфедерациялар, узоқ вақт қамоқда ушлаб туриш ёки хибсда сақлаш ёки бошқа мажбурий равишда олинган ва тўпланган далиллардан далил сифатида фойдаланиш мумкин эмаслиги кўрсатилганлигини кўриш мумкин.

Юқорида жиноят-процессуал қонунчилиги қиёсланган давлатлар тажрибасидан кўриниб турибдики, далилларни тўплаш бўйича турлича амалиёт шаклланган.

Юқоридаги фикрлар ва хорижий мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлилларидан хулоса қилиб айтганда, далилларни тўплашнинг моҳияти далилларни аниқлаш, жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ва фактлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш, талаб қилиш ва уларни тегишли тарзда процессуал мустаҳкамлаш орқали далилларни қўлга киритишдан иборат деган хулосага келиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. АҚШ Федерал далиллар қонунлари (Federal Rules of Evidence), 1975 йил
2. Германия Жиноят-процессуал кодекси (Strafprozessordnung, StPO), 1877 йил (янги таҳрири).
3. Франция Жиноят-процессуал кодекси (Code de procédure pénale), 1958 йил.
4. Уголовный кодекс Японии // URL: <http://ukknr.ucoz.ru/index>.
5. Уголовный-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики // URL: <http://www.base.spinform.ru>.
6. Уголовно-процессуальный кодекс Китайской Народной Республики Режим доступа: <https://wipolex.wipo.int/ru/text/337074>.
7. Уголовный-процессуальный кодекс Кыргызской Республики // URL: <http://online.adviser.kg/>.
8. Уголовный-процессуальный кодекс Республики Армения // URL: <http://www.parliament.am/>.
9. Уголовный-процессуальный кодекс Республики Беларусь // URL: <http://www.pravo.by/>.
10. Уголовный-процессуальный кодекс Республики Казахстан // URL: <http://adilet.zan.kz/rus>.
11. Уголовный-процессуальный кодекс Республики Молдова // URL: <http://www.base.spinform.ru>.
12. Уголовный-процессуальный кодекс Республики Таджикистан // URL: <http://mmk.tj/ru/>
13. Уголовный-процессуальный кодекс Республики Таджикистан // URL: <http://mmk.tj/ru/>
14. Уголовный-процессуальный кодекс Российской Федерации // URL: <http://www.consultant.ru/>

15. Уголовный-процессуальный кодекс Туркменистана // URL:
<http://www.turkmenlegaldatabase.info/ru>.



INNOVATIVE
ACADEMY